




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THEORETICAL FOUNDATIONS OF INTER-AFGHAN NEGOTIATIONS

Mamurjon Sh. Otamurodov

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: mamurbek.92@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: “Inter-Afghan negotiations”, Afghan Government, Taliban Movement, research centers, human rights, the future of national statehood, extremism and terrorism, regional security.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: This article describes in detail the coverage of "inter-Afghan negotiations" in foreign studies. The author bases foreign research works on regional, institutional approaches based on the analysis of various political and historical sources, and tries to cover each of them consistently. In particular, from the point of view of regional principles, the different aspects of research objects (human rights, the future of national statehood, the source of extremism and terrorism, regional security) in the views of 3 main research subjects: Western scientists and research centers, Afghan national researchers, as well as scientists from the Commonwealth of Independent States, including Central Asia.

“АФГОНЛАРАРО МУЗОКАРАЛАР” НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мамуржон Ш. Отамуродов

Магистратура талабаси

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: mamurbek.92@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “афғонлараро музокаралар”, Афғон хукумати, “Талибон” ҳаракати, илмий-тадқиқот марказлари, инсон хуқуқлари, миллий давлатчилик келажаги, экстремизм ва терроризм, минтақавий хавфсизлик.

Аннотация: Ушбу мақолада “афғонлараро музокаралар” нинг назарий асослари атрофлича тавсифлаб берилган. Муаллиф турли сиёсий, тарихий манбалар таҳлили асосида хорижий тадқиқот ишларини худудий, институционал ёндашувлар асосида туркумлаштиради ва уларнинг ҳар бирини изчил ёритиб

беришга ҳаракат қиласи. Бунда, айниңса, худудий тамойил нүктаи назаридан З асосий тадқиқот субъектлари: Гарб олимлари ва илмий-тадқиқот марказлари, афғон миллий тадқиқотчилари, шунингдек, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги, жумладан Марказий Осиё олимлари қарашларидағи тадқиқот обьектларининг фарқли жиҳатлари (инсон ҳукуқлари, миллий давлатчилик келажаги, экстремизм ва терроризм манбаи, минтақавий хавфсизлик) кўрсатиб берилган.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ МЕЖАФГАНСКИХ ПЕРЕГОВОРОВ

Мамуржон Ш. Отамуродов

Магистрант

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: mamigbek.92@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: «Межафганские переговоры», правительство Афганистана, движение «Талибан», исследовательские центры, права человека, будущее национальной государственности, экстремизм и терроризм, региональная безопасность.

Аннотация: В данной статье подробно описаны теоретические основы «межафганских переговоров». Автор классифицирует зарубежные исследования на основе регионального, институционального подходов, на основе анализа различных политических, исторических источников и пытается последовательно охватить каждый из них. В частности, с точки зрения регионального принципа выделяют 3 основных объекта исследования: западные учёные и исследовательские центры, афганские национальные исследователи, а также Содружество Независимых Государств, в том числе центральноазиатские учёные (источник терроризма, региональная безопасность).

КИРИШ

Афғонистон давлатидаги ҳарбий-сиёсий бекарорликка эришиш ва у билан боғлиқ минтақавий ҳамда глобал муаммолар масалалари дунёдаги кўплаб университетлар, тинчлик сиёсий тадқиқотлар марказлари, шунингдек, кўплаб мутахассислари илмий тадқиқотларининг обьекти бўлиб келмоқда.

Афғонистон можароси юзага келишининг тарихий илдизлари асосан XIX – XX аср бошларидағи Буюк Британия ва Россия империялари ўртасида Марказий Осиёда ўз

хукмронлигини ўрнатиш учун олиб борилган сиёсий-дипломатик кураш – “Катта ўйин” (“Great Game”), 1945 – 1991 йилларда АҚШ ва СССР ўртасида глобал етакчилик учун кечган “Совуқ уруш”, 1973 – 1978 йилларда Афғонистондаги инқилобий жараёнлар ва бу борада Совет қўшинларининг Афғонистонда мавжудлиги (1979 – 1989), 1980 – 1990 йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида этник ва диний групкалар ўртасидаги курашларнинг авж олиши ва “Талибан” ҳаракатининг марказий ҳокимиятни қўлга киритиши (1994 – 2001) ва бу даврда Афғонистоннинг “Ал-Қоида” сингари диний экстремистик ва террористик ташкилотлар базасига айлиниб бориши, 2001 йилдаги “11 сентябрь воқеалари” ҳамда АҚШ бошлиқ аксилтеррористик иттифоқи ҳарбий кучларининг мамлакатга киритилиши ва “Талибан” ҳокимиятининг ағдарилиши, 2002 йил бошида “Талибан”дан ташқари барча миллий ва диний групкалар вакиллари иштирокида Афғонистон Ислом Республикасининг ташкил этилиши сингари узоқ тарихий жараёнларга бориб тақалса ҳам, биз тадқиқот предметидан келиб чиқсан ҳолда айнан “Афғонларо музокаралар” масаласига бағищланган хорижий тадқиқотларни таҳлил қилишга қарор қилдик. Диссертация мавзусидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг даврий чегараси Афғонистон Олий Тинчлик Кенгаши ташкил этилган 2010 йилдан НАТО куролли кучлари мамлакатни тарқ этган “Талибан” ҳаракати марказий ҳокимиятни қўлга киритган 2021 йилларни ўз ичига қамраб олади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Афғонларо музокаралар” ва у билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этувчи субъектларнинг биринчи грухига бевосита Афғонистон ва жаҳондаги тинчлик масаласи билан шуғулланувчи халқаро тадқиқот муассасаларини киритиш мумкин. Булардан бири 2002 марта БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1401-Резолюцияси билан ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги ёрдам миссиясидир (United Nations Assistance Mission in Afghanistan – UNAMA). Ушбу ташкилотнинг ҳар йили мамлакатдаги жорий ҳарбий-сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазият түғрисидаги ҳисботлари бу борадаги тадқиқотларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади[1].

Турли халқаро масалалар сингари “афғонларо музокаралар” бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борувчи ва ҳисботлар тақдим этувчи хорижий “ақл марказлари”дан бири сифатида Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг давлат сиёсати тадқиқот институти – “Конгресс тадқиқот хизмати”ни (The Congressional Research Service – CRS) келтириб ўтиш мумкин. Ушбу ўзига хос “think tank” томонидан конгресменлар учун 2021 йил сентябрь ойида тайёрланган ҳисботда АҚШ ҳарбийларининг олиб чиқиб кетилиши ва Талибаннинг Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаб олиши жараёни, жорий ҳарбий-сиёсий

ҳолат, нима учун “афғонлараро музокаралар” муваффақиятсизликка учрагани ҳақидаги саволлар берилиб, уларга таҳлилий жавоблар берилади[2].

Мамлакатдаги реал сиёсий вазиятни тадқиқ этиб, давлатнинг бу борадаги стратегик ҳаракат йўналишларини аниқ белгилаш учун 2019 йил декабр ойида АҚШ Конгресси Америка Қўшма Штатлари Тинчлик Институти (USIP) қошида Афғонистонни ўрганиш гурухини (ASG) тузди ва унга “тинчлик йўлида келишувга эришиш ёки келишувга эришилмаслиги АҚШнинг Афғонистондаги сиёсати, ресурслари ва мажбуриятларига таэсирини кўриб чиқувчи” сиёсий тавсияларни аниқлаш вазифасини топширди. Тадқиқот гурухининг 2021 йил 3 февралда эълон қилинган ҳисботида Афғонистонда кирқ йиллик зўравонлик можаросига барҳам бериш учун мустаҳкам тинчлик келишувига эришиш ортида АҚШ сиёсати, ҳаракатлари ва хабарларини мувофиқлаштириш учун реал имконият бор, деган хulosага келди[3]. Шунингдек, Тинчлик Институти (USIP) “афғонлараро музокаралар” масаласи бўйича бир қанча илмий лойиҳалар ҳам тақдим этиб туради ва улардан бири доирасида Барнетт Рубиннинг “Constitutional Issues in the Afghan Peace Negotiations: Process and Substance” (“Афғонистон тинчлик музокараларида конституциявий муаммолар: жараён ва мазмун”) асарида “афғонлараро музокаралар”даги баҳсли нуқталарни атрофлича таҳлил қиласи[4].

2012 йил октябрь ойида Афғонистоннинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги стратегик муаммоларини баҳолаш учун илмий ва илмий асослар яратиш мақсадида ташкил этилган Афғонистон Стратегик Тадқиқотлар Институти (AISS) “афғонлараро музокаралар” бўйича бир қанча аҳамиятли тадқиқотларга ҳомийлик кўрсатди. Улар жумласига Омар Садр томонидан 2018 йилда ёзилган “The Fallacy of Peace Processes in Afghanistan: The People’s Perspectives” (“Афғонистондаги тинчлик жараёнларининг нотўғрилиги: халқ истиқболлари”) асарини киритиш мумкин. Муаллиф унда “Талибон” ҳаракати билан музокаралар самарали натижалар келтирмаслиги ва бунда бир қанча муаммолар, жумладан, аёллар хуқуқлари масаласи долзарб аҳамиятга эга лигини эътироф этади[5].

АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган 1962 йилда Жоржтаун университетининг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази сифатида ташкил этилган тадқиқот маркази (think tank) – Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (CSIS) “афғонлараро музокаралар” масалалари бўйича бир қанча стратегик тадқиқотлар амалга оширувчи субъектлардан бири ҳисобланади. CSIS лойиҳаларидан бири доирасида Энтони Кордесмен томонидан 2020 йил январь ойида нашр этилган “Afghanistan: "Peace"as the Vietnamization of a U.S. Withdrawal?” (“Афғонистон: "Тинчлик" АҚШ қўшинларини олиб чиқиб кетишнинг Вьетнамлаштириши сифатидами?”) асарида “афғонлараро музокаралар”

масалалари борасида танқидий-реалистик қарашларини баён этиб, АҚШ дуч келиши мүмкін бўлган сиёсий рискларни санаб ўтади[6].

“Афғонлараро музокаралар” масаласи бўйича мустақил тадқиқотларни амалга оширган тадқиқот марказларидан бири Уруш ва тинчликни ёритиш институти (Institute for War and Peace Reporting – IWPR) бўлиб, 2016 йилда ушбу халқаро ННТ томонидан Афғонистон Олий Тинчлик Кенгаси (АНРС) фаолияти бўйича тайёрланган ҳисобот[7] ушбу Кенгашнинг самарасизлигини ёритиб берди, бу эса ўз навбатида ўша йили феврал оидан АҚШ хукуматининг молиявий ҳомийлиги тўхтатилишига қисман сабаб бўлди.

Мавзу доирасида тадқиқот ишларини олиб борган эксперталардан бири Мишел Барса ўзининг “Афғонистоннинг бузилган тинчлик жараёнини қандай тузатиш керак” (“How to fix Afghanistan’s broken peace process”) тадқиқот ишида[8] мамлакатда тинчликни асосий шарти сифатида “Толибон” ҳаракати билан музокараларга киришишни келтиради, шунингдек, ушбу йўналишдаги ички ва ташқи акторларнинг манфаатлари тўғридан-тўғри қарама-қарши характерга эгалигини очиб беради.

МДҲ мамлакатларидаги “афғонлараро музокаралар” масаласи бўйича тадқиқотлар олиб борадиган субъектлар қаторига “Замонавий Афғонистонни ўрганиш маркази” автоном нотижорат ташкилоти (Центр изучения современного Афганистана – ЦИСА) ва унинг директори таникли сиёsatшунос олим Омар Нессарни киритиб ўтишимиз мүмкін. Ушбу ташкилот доирасида нашр қилинган тадқиқот ишлари[9] ва Омар Нессарнинг бошқа муаллифлик ҳамда ҳаммуаллифликдаги ишлари[10] “афғонлараро музокаралар” масалаларини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эгадир.

Халқаро қуролли можаролар бўйича тадқиқотчи Екатерина Степанованинг “афғонлараро музокаралар” масаласига оид тадқиқот ишларини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Муаллиф уларда 2010 йиллар охирларида Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятни таҳлил қиласи ва бу борада Россия позициясининг кучайиши омилларини илгари суради[11].

Арманистонлик тарихчи олим Георгий Асатрян ўзининг илмий ишларида АҚШнинг Афғонистондаги аксилтеррористик амалиётини атрофлича таҳлил қиласи ва “афғонлараро музокаралар”га олиб келган ушбу ҳарбий операцияларнинг муваффақиятсизликка учраши сабабларини баён этади[12].

Россиялик тадқиқотчилардан Н.И.Козырев “афон тугуни” муаммолини ҳал қилиш борасида дипломатик алоқаларнинг ўрни тўғрисида илмий тадқиқот ишида ушбу можаронинг ягона ечими сифатида дипломатик алоқаларни кўрсатиб ўтади[13].

Марказий Осиёлик тадқиқотчилардан Саймуддин Мирзоев ўзининг тадқиқот ишида “афғонлараро музокаралар” масаласига тўхталиб, минтақада хавфсизлик масаласи

бевосита ушбу музокараларга боғлиқлигини таъкидлаб ўтади[14]. Умуман, минтақа олимларининг кўпчилиги “афғонлараро музокаралар” масаласига биринчи навбатда Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида қарашганини эътироф этиш лозим[15].

Бундан ташқари, жорий мавзуу бўйича МДҲ мамлакатларидан бўлган тадқиқотчилар қаторига Тожикистон Республикасидан бўлган ПарвизМуллоджановни киритиш мумкин. У ўзининг бир қанча ишларида, масалан, “афғонлараро музокаралар” жараёнининг муваффақиятсизлиги сабабларини таҳлил қилиб, “Толибон” ғалабасининг омилларини очиб беришга ҳаракат қилган[16].

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидаги хulosаларга келинди:

“Афғонлараро музокаралар” масаласи дунёнинг кўплаб давлат ва нодавлат стратегик тадқиқот марказлари (“think tanks” – “ақл марказлари”), етакчи университетлар, инсон хуқуқлари ва тинчлик масалалари бўйича халқаро ННТлар тадқиқотларининг асосий обьектларидан бири бўлиб қолмоқда;

Ушбу мавзуу доирасида қилинган тадқиқот ишларидаги бир неча ёндашувларни фарқлай олиш мумкин. Жумладан, АҚШдаги тадқиқот ишларида “афғонлараро музокаралар” масаласига асосан бундан келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий рисклар, Кўшма Штатларнинг ушбу музокараларга таъсир этиш даражаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришаётган бўлса, Фарбий Европа олимлари ўз тадқиқотларида “афғонлараро музокаралар”да демократия ва инсон хуқуқлари масалаларига катта эътибор қаратишиди, МДҲ олимлари асосан Афғонистон томонидан Марказий Осиё ва бошқа постсовет мамлакатлари хавфсизлигига бўладиган эҳтимолий таҳдид кўринишлари: экстремизм ва терроризм, наркографик, қурол-яроғнинг ноқонуний кириб келиши сингари муаммоларга илмий ишларида ургу бериши;

“Афғонлараро музокаралар” мавзуси сиёсий тадқиқотлар бўйича бир қанча етакчи олимларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Булар қаторига россиялик афғоншунос олим Мухаммад Омар Нессар, тожикистонлик Саймуддин Мирзоев ва Парвиз Муллоджанов, арманистонлик тарихчи олим Георгий Асатрян ва америкалик олим Омар Садрни киритиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- United Nations Assistance Mission in Afghanistan (2021). *Afghanistan: Protection of Civilians in Armed Conflict. Annual Report 2020*. Kabul: UNAMA. 129 p.;
- United Nations Assistance Mission in Afghanistan (2021). *Special Report: Killing of Human Rights Defenders and Media Professionals, 2018–2021*. Kabul: UNAMA. 33 p.

3. U.S. Military Withdrawal and Taliban Takeover in Afghanistan: Frequently Asked Questions. Updated September 17, 2021 // Congressional Research Service. URL: <https://crsreports.congress.gov/product/pdf/R/R46879>
4. Afghanistan Study Group Final Report: A Pathway for Peace in Afghanistan. – Washington D.C.: U.S. Institute of Peace (USIP), 2021. 84 p.
- Rubin B. Constitutional Issues in the Afghan Peace Negotiations: Process and Substance. United States Institute of Peace Special report no. 488, November 2020. – Washington D.C.: USIP, 2020. URL: https://www.usip.org/sites/default/files/2020-11/20201116-sr_488-constit
5. Sadr O. (2018). *The Fallacy of Peace Processes in Afghanistan: The People's Perspectives*. Kabul: Afghan Institute for Strategic Studies. 172 p.
6. Cordesman A. (2020). *Afghanistan: "Peace" as the Vietnamization of a U.S. Withdrawal?* Washington D.C.: Center for Strategic and International Studies. 21 p.
7. Afghanistan's High Peace Council: Five Years On. Institute for War and Peace Reporting Report. 18 July 2016. URL: <https://iwpr.net/global-voices/afghanistans-high-peace-council-five-years>
8. Michelle B. How to fix Afghanistan's broken peace process // Foreign Policy. 9 July 2015. URL: <https://foreignpolicy.com/2015/07/09/how-to-fix-afghanistans-broken-peace-process>
9. Президентские выборы в Афганистане: промежуточные оценки и прогнозы. Ред. О.М.Нессар. Аналитический доклад Центра изучения современного Афганистана (ЦИСА). – М.: ЦИСА, 2019. 15 с.
10. Нессар О. Афганский мирный процесс: предварительные результаты и оценки // Международная жизнь. 2019. № 5. С. 74–87.;
11. Дауров Р.Д., Нессар М.О., Окимбеков У.В. Афганистан: политика и экономика (2001–2019). – М.: Институт Востоковедения РАН, 2020. 412 с.;
12. Нессар М.О. Афганский марафон: почему на переговорах в Дохе никто не спешит. // Научно-аналитический журнал «Пути к миру и безопасности». №1 (60), 2021. – Стр. 99–119.
13. Степанова Е.А. Мирный процесс по Афганистану и роль России // Пути к миру и безопасности. 2019. № 2(57). С. 21–33. DOI: 10.20542/2307-1494-2019-2-21-33.
14. Асатрян Г.Э. Контртеррористическая политика США в Афганистане. Дестабилизация ситуации (2006–2008 гг.) // Вестник Томского государственного университета. 2015. № 2(34). С. 103-107. (Web of Science Core Collection);
15. Асатрян Г.Э. Антитеррористическая политика США в Афганистане на начальном этапе. Период успеха (2001-2005) // Историческая и социально-образовательная мысль. 2014. Том 6. № 6. Часть 1. С. 38-40.;

16. Асатрян Г.Э. Военно-политическая стратегия США в Афганистане. (2001-2008) Антитеррористический аспект. Документы и материалы // Образование. Наука. Научные кадры. 2014. № 6. С. 259-261.;
17. Асатрян Г.Э. «К вопросу о присутствии Исламского государства в Афганистане». // Ближний Восток и Современность. Сборник статей. Выпуск 52. Москва 2018. 5-35 стр.;
18. Асатрян Г.Э. История развития американо-пакистанских отношений в контексте войны в Афганистане (2001-2008 гг.) // Политика и Общество. 2018. № 1. С.83-89.
19. Козырев Н. И. Роль дипломатии в разблокировании «Афганского узла»: от «Женевы-88» до наших дней / дипломат. Акад. МИД России. - М. : Восток-Запад, 2009. - 207 с.
20. Мирзоев С.Т. Афганский кризис и его влияние на региональную безопасность в Центральной Азии: geopolитический аспект. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук. – Душанбе, 2019.
21. Эргашев Б.И. Политика Узбекистана в отношении Афганистана в контексте обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии. // Вызовы безопасности в Центральной Азии. – М.: ИМЭМО РАН, 2013. – С. 96-99.
22. Муллоджанов Парвиз. Бросок «Талибана» к власти: основные причины и факторы успеха. <https://cabar.asia/ru/brosok-taliban-k-vlasti-osnovnye-prichiny-i-faktory-uspeha>
23. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
24. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
25. Madaminova, D. I. (2021). Uzbekistan as a leading initiator in central Asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1045-1049.
26. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.
27. САЙФУЛЛАЕВ, Д. Б. (2017). ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ИНДИИ И УЗБЕКИСТАНА В ИСТОРИЧЕСКОЙ ПЕРСПЕКТИВЕ. Восток. *Афро-Азиатские общества: история и современность*, (1), 142-148.